Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 14 апрель, пайшанба № 74. (21.678). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1993 ЙИЛ 30 НОЯБРДАГИ 691-СОН ФАРМОНИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ҲАҚИДА

Бошоқли дон экинларининг харид нархлари даражаси ўзгарганлиги муносабати билан «Бошоқли дон экинларининг харид нархларини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 30 ноябрдаги 691-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. АБДУҒАНИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ РЕСПУБЛИКА УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бурҳониддин Абдуғаниев Ўзбекистон Матлубот жамиятлари республика уюшмаси бошқарувининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ БЎЙИЧА СОТИЛАДИГАН ПАХТА ТОЛАСИ ВА БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Моддий-техникавий сарф-харажатлар ошиб кетганлиги муносабати билан ҳамда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларини, ижара, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжаликларни пахта толаси ҳамда бошоқли дон экинлари етиштириш ва сотишни кўпайтиришга рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йил ҳосилидан бошлаб ҳар 1 тоннаси учун ўрта ҳисобда қуйидаги харид нархлари тасдиқлансин:

пахта толаси	— 1200 минг сўм-купон;
буғдой	— 300 минг сўм-купон;
жавдар	— 285 минг сўм-купон;
арпа ва сули	— 240 минг сўм-купон;

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги:

беш кун муддат ичида бошоқли дон экинлари янги харид нархларининг прейскурантларини ишлаб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга етказсин;

пахта толаси тайёрлашга янги РСТ (республика стандарти) ишлаб чиқилиб, тасдиқлангандан кейин икки ҳафта муддат ичида хўжаликлар пахта тозалаш заводларига сотадиган пахта толаси харид нархларининг прейскурантини жорий этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 31 августдаги 443-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 апрель куни Халқаро олимпиада қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларга мамлакатимизда кечаётган иқтисодий янгиланишлар ҳақида сўзлаб берди. Республикамизнинг спорт учун қулай иқлим, шарт-шароит ва катта моддий имкониятларга эга эканини қайд этди. Тошкент келгусида халқаро олимпиада ўйинлари ўтказишга даъвогар шаҳар бўлиб қолажагини таъкидлади.

— Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ўсмир ёшлар ташкил этишининг ўзиёқ спорт равнақи учун улкан имкониятлар мавжудлигининг гаровидир. Қолаверса, биз мустақилликка эришган собиқ совет республикалари ичида «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этган дастлабки давлат эканимиз беҳуда эмас, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Халқаро кўламда ўтган қишки олимпиада ўйинлари эса Ўзбекистонимизнинг кучли спорт салоҳияти борлигини исботлади.

Жаноб Хуан Антонио Самаранч ўзи раҳбарлик қилаётган нуфузли спорт делегацияси Ўзбекистонда самимий кутиб олингани учун юртбошимизга миннатдорлик билдирди. Республика ҳукуматининг спорт равнақига қўшаётган хизматлари учун мамнуният изҳор этди. Келгусида Тошкентда олимпиада ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ вазифалар, шарт-шароитлар хусусида гапирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М. Қорабоев, Ў. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси президенти. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси С. Рўзнев қатнашди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ТОШҚИН, СЕЛ ОҚИМЛАРИНИ ОҚИЗИБ ЮБОРИШ ВА КЎЧКИ ҲОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҲАЛОКАТЛИ ОҚИБАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика давлат ҳокимият органлари табиий офатлар хавфини камайтириш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасида муайян тажриба орттирганлар. Республикада фуқаро мудофааси полки, тез ҳаракат қилувчи кучлар ташкил этилган ва зарур ашёлар билан жиҳозланган, вилоятларда уларнинг филиаллари ташкил этилмоқда, тошқинга қарши комиссиялар ишлаб турибди.

Шу билан бирга ҳар йили сел, тошқин, ўпирилиш ва кўчкилар туфайли юзага келаётган фавқулодда вазиятлар катта вайронгарчиликларга сабаб бўлмоқда, республика халқ хўжалигига жиддий зарар етказмоқда, баъзан эса одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келмоқда. Бу мазкур ишда изчиллик йўқлигидан далолат беради. Кўрилаётган чора-тадбирлар даврийлик тусига эга. Ҳукуматнинг бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорлари ёмон бажарилмоқда. Жойлардаги ҳокимликлар тегишли хизматларнинг рухсатларисиз хавфли зоналарда тартибсиз равишда уй-жойлар қурилишига йўл қўймоқдалар. Натижада республикада 400 га яқин аҳоли яшаш жойлари ва 300 дан ортиқ халқ хўжалиги объектлари хавфли зоналарга жойлаштирилган. Ушбу барча масалаларда маҳаллий ҳокимият органларининг мувофиқлаштирувчилик роли сустлиги кузатилмоқда.

Об-ҳаво илиб бораётган бир шароитда қор заҳиралари ҳажмлари ва кутилаётган ёғингарчиликлар бу йил республикадаги вазиятни анча кескинлаштирмоқда, сел, тошқин жараёнлари ва кўчки ҳодисаларининг фаоллашуви кутилмоқда. Кузатиш ва хабар бериш хизматларининг идоравий тарқоқлиги аҳволни мураккаблаштирмоқда. Давлат геология қўмитаси ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги органлари ўз кўрсатмаларининг бажарилишида талабчанлик қилмаяптилар.

Сел, тошқин оқимларини талофатсиз оқизиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг, вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг фавқулодда вазиятларда барча манфаатдор ташкилотларнинг аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари бўйича куч-ғайратларини мувофиқлаштиришга оид ишларининг етарли эмаслиги қайд этилсин.

2. Жойларда табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, шунингдек, одамларнинг тўлиқ хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг зиммасига юклансин.

3. Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ўзан сув омборларида тошқин сувларнинг тўпланиши учун заҳира сув ҳавзаларини ташкил қилсин. Вазир ўринбосарлари ва Бош бошқармалар бошлиқлари тошқин ва сел оқимларини талофатсиз оқизиб юборишни таъминлаш учун 2 ой муддатга вилоятлар ва муайян объектлар бўйича масъул қилиб биркитилсинлар, вазирликнинг жойлардаги барча бўлинмаларида кеча-кундуз навбатчилик ва барча сув хўжалиги объектлари иши устидан назорат ўрнатилсин.

Дарёлар, сойлар ва гидроиншоотлар бўйича зарур ҳимоя (соҳил-дамба мустаҳкамлаш) тадбирлари ва авария-тиклаш ишлари бажарилсин, бу ишларга вазирликка 1994 йил учун ажратилган сармоя қўйилмаларининг умумий лимитлари доирасида сметалар ва алоҳида лойиҳалар бўйича ҳақ тўлансин. Ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмлари бўйича харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 февралдаги 70-сон қарори 7-бандида белгиланган шартларга биноан қоплансин.

Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси 9 ой якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига бажарилган иш ҳажмларини маблағ билан таъминлаш манбаларига доир таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси мавжуд илғор тажрибадан фойдаланган ҳолда берилаётган истиқбол маълумотларининг илмий асосланганлигини, хослигини ва аниқлигини оширсин. Тахмин этилаётган табиий офатларни каталоглаштириш ва паспортлаштириш асосида олдини олиш чора-тадбирларининг асосланган тизимини ишлаб чиқсин, селга, кўчкига ва шу кабиларга қарши чора-тадбирлар биринчи навбатда лойиҳалаштирилиши лозим бўлган ҳудудларни аниқласин. Мазкур масала юзасидан 1994 йил охиригача Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоб-китобга мувофиқ Давлат геология қўмитасига давлат кузатиш хизмати учун ёмон йўллардан ҳам юра оладиган енгил автотранспорт ва оператив алоқа воситаларини мақсадли сотиб олиш учун Россия рублида заҳира маблағлар ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

содир бўлиши мумкин бўлган экзоген жараёнларнинг олдини олиш ва потенциал хавфли вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича ишларни Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси учун устивор йўналиш этиб белгиласин.

Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармасига ҳамда «Бошгидромет»га кўчки ва сел хавфи кўчли бўлган даврларда мунтазам айланиб учиш қамда хавфли геологик ва гидрологик жараёнлар ривожланадиган туманларни кузатиш учун вертолёт транспорти ажратсин;

бир ҳафта муддатда кўчки ва сел-тошқинлар хавфи энг кучли бўлган зоналарда хавфли вазиятларнинг олдини олиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар кўриш учун алоқа воситалари, ҳаракатчан транспорт билан жиҳозланган доимий кузатиш постлари ташкил этсин;

Давлат геология қўмитаси, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда хавфли зоналардаги ишларнинг аҳволини ўргансин, вақтинча кўчирилиши ҳамда босқичма-босқич хавфсиз жойлардаги доимий истиқомат жойларига кўчирилиши лозим бўлган шаҳарчалар ва хўжаликлар рўйхатини аниқласин ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига тақдим этсин.

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари билан биргаликда республика кўп ихтисосли тез ҳаракат қилиш марказига ва тез ҳаракат қилувчи ҳарбийлаштирилган махсус отрядга техника билан жиҳозлашда, фавқулодда вазиятларда тез ҳаракат қилиш учун шахсий таркибни тайёрлашда ёрдам кўрсатсин.

6. Одамларни кўчки ва сел босадиган зоналардан кўчириш, аҳолини хавфсиз жойларга ўз вақтида эвакуация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб ҳисоблансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисидан, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимларидан, вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар раҳбарларидан объектларнинг ҳудудий ва баланс бўйича мансублигига кўра апрель-май ойларида ўз маблағлари ҳисобидан кўчки ва сел-тошқин ҳодисаларининг ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ барча ишлар ва тадбирларни бажариш талаб этилсин. Зарурат бўлганда ҳаражатларни қисман қоплаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

«Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда аҳолини хавфли зоналардан босқичма-босқич кўчириш учун республика бюджетидан маблағ ажратиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

Сув омборларининг иш режими учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилганлигини назарда тутиб, ҳокимликларнинг сел оқимлари тўпланадиган жойлар ва сув омборларида сувни тўплаш ҳамда уни чиқариб юборишда жараёнларига аралашишларига йўл қўйилмасин.

7. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари халқ хўжалиги объектларини ҳамда уй-жойларни жойлаштиришда давлат геология қўмитаси органлари ва Ўзбекистон давлат муҳандислик-техникавий изланишлар институтининг лойиҳалаш ташкилотлари тавсия ва кўрсатмаларига оғишмай риоя қилсинлар.

8. Фанлар академиясининг сейсмология институти иншоотлар механикаси ва зилзила бардошлиги институти ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда халқ хўжалиги объектлари ва уй-жой қурилишини лойиҳалаш ҳамда қуриш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва 1994 йилнинг иккинчи ярмида ҳукуматга киритсин, бунда қурилишни эҳтимол тутилган хавфли зоналарда жойлаштиришда уларнинг зарур ҳимоя қилиниши ва чидамлилиги назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси:

кутилаётган иқлимий вазиятларга доир янада аниқроқ маълумот олиш учун илмий-техника тараққиётининг замонавий ютуқларидан ва жаҳон тажрибасидан кенг фойдалансин;

Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Давлат геология қўмитаси, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда вилоятлар ва туманлар ҳокимликларини ҳамда аҳолини республика ҳудудида кутилаётган сел, тошқин ва кўчки ҳодисаларидан ўз вақтида хабардор қилсин.

Ўн кун муддатда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда тошганда катта хавф туғдирадиган ўз-ўзидан ҳосил бўладиган кўл ва бошқа сув манбаларини текшириб чиқсин ҳамда эҳтимол тутилган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш учун уларнинг ҳолати устидан назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хавфли жойлардаги халқ хўжалиги объектлари ва аҳолини электр энергияси, газ ва ёқилғи билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ҳамда амалга оширсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хавфли зонадан вақтинча кўчирилган аҳолига хизмат кўрсатиш учун тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини зарур миқдорда зудлик билан ташкил қилсин, уларни зарур асбоб-анжомлар ва дори-дармонлар билан таъминласин.

Доимий яшаш учун кўчирилган жойларда зарур даражада тиббий хизмат ташкил этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳалокатли ҳодисалар зонасидаги ҳудудлар ҳамда у ердаги вақтинча хавфсиз жойга кўчирилган фуқароларнинг иморатлари ва мол-мулкининг қўриқланишини таъминласин.

13. Молия вазирлиги, «Ўздавсуғурта»:

хавфли туманлардаги аҳолининг фавқулодда вазиятлар юзага келиши ҳодисасидан мажбурий суғурта қилиш тизими билан қамраб олинишини таъминласинлар;

вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда кўчки, сел-тошқин зоналарида иморатлар, шахсий мол-мулк ва чорва молларини, шу жумладан, боғдорчилик-полизчилик хўжаликларини қонунчиликка мувофиқ суғурта қилсинлар;

рақобат асосидаги қўшимча суғурта органлари ташкил этиш масаласини кўриб чиқсинлар.

14. «Ўздавтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги:

фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар тўғрисида республика аҳолиси ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар;

Мудофаа Вазирлигининг Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли ўртасида фавқулодда вазиятлар пайдо бўлган зоналарда кишиларнинг биринчи навбатдаги ҳаттиҳаракатлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлар бўйича комиссияси БМТ томонидан эълон қилинган табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро ўн йиллиги доирасида халқаро тажриба ва ўзаро ёрдамдан фойдаланиш мақсадида БМТнинг инсонпарварлик ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик қилсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси 1994 йил 5 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 12 апрель.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши кўзда тутилмоқда:

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИНИНГ МАЖЛИСИ

13 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов раҳбарлигида Сиёсий ижроия қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини партия аъзоларига тушунтириш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги ишлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби О. Соипов шу ҳақда ахборот берди.

Шаҳар партия ташкилоти масалага масъулият билан ёндошиб, шу соҳадаги ишларни ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, режали асосда олиб бормоқда. Чунончи, Қонунни тушунтириш учун малакали ҳуқуқшунослардан иборат тарғиботчилар гуруҳи тузилди, Қонун матни ўзбек ва рус тилларида плакат шаклида босиб чиқарилди, ташвиқотчиларга ёрдам сифатида услубий ашёлар тайёрланди. «Чирчиқ» газетасида сайлов мавзуларида қатор мақолалар эълон қилинди. Йирик саноат корхоналари, маҳаллалар ва ётоқхоналарда давра суҳбатлари, маъруза ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Лекин, шунинг билан бирга, фойдаланилмаган имкониятлар ҳали кўп. Сиёсий ижроия қўмита барча партия кенгашлари олдига бўлажак сайловларга тайёргарликни кучайтириш вазифасини қўйди. Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 49 йиллигини нишонлаш борасидаги вазифаларини белгилади. Байрам тадбирларини ўтказишда ҳокимликлар, фахрийлар, ёшлар Иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, ёш авлодни она-Ватанимиз — ҳур Ўзбекистонни жон-дилдан севиш ва уни ҳимоялашга тайёр бўлиш руҳида тарбиялашда улардан кенг фойдаланиш, уруш қатнашчилари, хусусан ногиронларнинг ҳурматини жойига қўйиш, жанггоҳларда ҳалок бўлганларни хотирлашни уюштириш тавсия этилди.

Мажлисда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш ва хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳам кўриб чиқилди. ХДПнинг дастурий ғоялари, унинг Миллий истиқлол мафкурасини, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини кенг тарғиб этишга, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсад ва вазифаларини оммалаштиришга муҳим ҳисса қўшган ушбу газеталар жамоаларига партиямиз томонидан бундан кейин ҳам кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга Сиёсий ижроқўм журналистларимиздан газеталарнинг мазмунини бойитишни, босилаётган материалларнинг долзарблигини таъминлашни, ҳаётда учраб турадиган камчиликларни ўз вақтида очиб ташлашни талаб қилди.

Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашлари аппарати ишини таҳлил этиб, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи, республика Олий Мажлисига кўппартиялилик асосида ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш, ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб этиш вазифаларидан келиб чиқиб, барча даражадаги партия аппарати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

Шунингдек, Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши X пленумини шу йил май ойида чақиришга қарор қилди. Мажлисда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

(Давоми. Боши биринчи бетда).

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва ўрнак кўрсатганликнинг олий нишони — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида.
2. «Мустақиллик» ордени таъсис этиш тўғрисида.
3. «Дўстлик» ордени таъсис этиш тўғрисида.
4. «Шуҳрат» медали таъсис этиш тўғрисида.
5. «Жасорат» медали таъсис этиш тўғрисида.
6. «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий Қонун лойиҳаси ҳақида.
7. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
8. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
9. «Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
10. «Синиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
11. «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жазо тўғрисидаги кодекси лойиҳаси ҳақида.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-муҳокама кодекси лойиҳаси тўғрисида.
14. «Электрон-ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
15. «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
16. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.
19. Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида тузилган шартномалар ҳамда битимларни ратификация қилиш тўғрисида.
20. Ўзбекистон Республикасининг уй-жой кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
21. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси хусусида.
22. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Кенгаш ваколатига берилган бошқа масалалар ҳам киритилиши кутилмоқда.

ДУНЁ КЎРГАН ЯХШИ ЭКАН

Республикамиз Президентининг ташаббуси билан хорижий сафарда Олмонияда бўлдим. Сафардан мақсад юксак технологияга асосланган замонавий иш услубларини кўриб, уларни ўзимизда ҳам жорий этиш эди.

Шахсий манфаатдорлик, тараққиётга бозор иқтисодиёти талаблари нуқтаи назаридан ёндашиш нималарга қодир экани Олмония мисолида яққол кўриниб турибди. Юксак маданият, иш жойидаги тартиб-интизом, тозалик ишлашга рағбат уйготувчи бош омил экани ҳар қадамда сезилади. Муҳими шундаки, ишчи, фермер атрофида бир неча хизмат кўрсатиш идораси парвона. Маҳсулот етиштирувчининг ишлаб чиқарган молимни қаерга сотаман, деган ташвиши йўқ. У фақат яратувчилик билан банд. Ишга муносабат ,ишлаб чиқарилган маҳсулотни сақлаш ва сотиш маданияти ўта ривожланган. Бозорга олиб чиқилган маҳсулот худди даладан янги келтирилгандек тоза, харидор кўзини қувонтиради.

Юртбошимиз ишни ташкил этишни ўрганиш, эски тузумдан қолган маъмурий-буйруқбозлик услубидан воз кечиш, мулк шаклларининг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим деб доимо уқтириб келаётганини маъносини фақат ривожланган давлатлардаги иш юритиш усулларини кўргачгина теран тушуниш мумкин. Лекин барча фермер ёки кичик корхона эгаси ҳам чет элга чиқолмайди. Шу сабабли ўзимизда бир ёки бир неча хусусий хўжалик ташкил этиб, одамларимизни ана шулар мисолида ишга ўргатишимиз лозим экан, деган фикр хаёлимдан кечади.

Олмонияда шу нарсага амин бўлдимки, ҳозир бошлаган ишимизни изчил давом эттириб, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ қилишга ҳаммамиз баравар ҳаракат қилсаккина яқин йилларда ривожланган мамлакатлар даражасига етамиз. Бунинг учун бизда асослар етарли. Чунки, юртбошимиз таъкидлаганидек, унумдор еримиз, меҳнаткаш халқимиз, тафти иссиқ, мусаффо қуёшимиз бор. Қолаверса, одамларимизнинг яхши ишлаши ва яратувчилик билан шуғулланиши учун осойишталик, тинч-тотувлик ва ўзаро ҳурмат қарор топган. Шуни ҳам айтиш лозимки, бозор иқтисодиёти биз учун янги бўлишига қарамай, уч йилга яқин вақт мобайнида фахрланса арзийдиган ишлар қилдик. Олмонияда эса шу йўналишда, урушдан олдинги йилларни эътиборга олмаганда 50 йилдан буён ишланмоқда.

Туманда ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликларида ишни ташкил этиш чет элдагидан қолишмайди. Лекин, бизда қайта ишловчи корхоналар етишмайди. Фермерга бирданига бир неча тур озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришга имкон яратсак мўл-кўлчиликка эришиш осон бўлади.

Қишлоққа саноат ва хизмат корхоналарини кўчиришга дадил киришдик. Ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ўнлаб кичик корхоналар туздик. Қишлоқда иш ўрни яратиш мақсадида уларни янада кўпайтириш чораларини қидиряпмиз. Шу мақсадда Олмониядан қуруқ қайтмадик. Йирик саноатчи жаноб Грундхер билан «Сурхон» фирмаси вино заводи учун вино қуйиш, мева-сабзавот қуритиш ва қадоқлаш ҳамда спирт ишлаб чиқариш цехлари, томат пастаси ишлаб чиқарадиган линия олиб келишга шартнома имзоланди. Агар шу аҳдлашувларимиз амалга ошса, 2000 йилга қадар 3,5 минг ишчи ўрнига эга бўлган йирик саноат корхонаси барпо этилади.

Аҳолининг нон маҳсулотига бўлган эҳтиёжини эътиборга олиб ўзимизга етадиган миқдорда ғалла етиштириш режаларини ҳам белгиладик. Бу йил 6,5 минг гектар суғориладиган ерда ғалла етиштиряпмиз. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасида анча ишлар қилинди. Жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари асосан хусусий ёки жамоа мулки қилиб берилди. Тажриба учун «Наврўз» давлат хўжалигини деҳқон (фермер) хўжаликларига бўлиб бериб деҳқон хўжаликлари уюшмасини туздик. Мақсадимиз фақат фермер хўжаликлари тузиш эмас, балки улар етиштирган гўшт ва сутни қайта ишловчи кичик-кичик заводлар қуриб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқда кўплаб иш жойлари ташкил этишдир.

«Илгари ишлаш осон эди, ҳамма нарса марказдан тақсимланиб, маҳсулотни ким қандай сотиб олишигача белгилаб қўйилар эди, ҳозирги даврда эса ишлаб чиқариш сардорларидан бу масалаларни тадбиркорлик билан ҳал этиш, энг муҳими — онгни, фикрлашни ўзгартириш талаб қилинмоқда. Шу сабабли сизларни чет элга сафарга юбориб, маъмурий- буйруқбозликдан озод бўлган ишлаб чиқариш йўналиши нималарга қодир эканига ишонч уйготиш эди», — деди юртбошимиз Тошкентда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари билан бўлган учрашувда.

Ҳақиқатан, мулк шаклларига, ишбилармонларга эрк бермай, ўзимизда ҳукм сурриб келган иш юритиш услубини тубдан ислоҳ қилмай тараққиёт ҳақида ўйлаш ширин орзу, холос. Одамларимизда «меники» деган тушунчани таркиб топтириш устида тинимсиз изланиш, ишлаш керак. Ўзимизни ривожланган чет эл ишбилармонлари қаторида кўришни истасак, тезроқ маъмурий-буйруқбозликдан қутулиб, яратувчиликка йўл олиб борувчи эркин иш юритиш йўлларини ҳаётга дадил татбиқ этишимиз керак.

Тилло МЕНГЛИЕВ,
Денов тумани ҳокими.
(ЎзА).

ХОРАЗМГА МУБОРАК ГАЗИ КЕЛДИ

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, у инсонлар қалбида мангу сақланиб қолади. 1994 йил 13 апрель ҳам Хоразм тарихида ёзилажак қувончли кун. Мустақил Ўзбекистонимиз заминидан чиқаётган табиий газ вилоятга етиб келди. Хонадонларни, саноат корхоналарини биринчи марта Ўзбекистон табиий гази таъминлай бошлади.

Республика Президентининг шахсан раҳнамолиги, Ўзбекистон нефть-газ корпорацияси раҳбарияти уюштирган ёрдамлар ва газ иншоотлари қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли катта ютуққа эришилди. Қисқа муддатда узунлиги 94 километрлик газ қувури қурилиши тугалланди. Бир йилда 6,2 миллиард куб метр газ ўтказиш қувватига эга қувурнинг дастлабки навбати ишга туширилди. Йил охиригача Нукус шаҳрига борадиган иккинчи навбат қурилиши ҳам ишга туширилади. Натижада Ўзбекистон истеъмолчилари учун туркман газини харид қилишга эҳтиёж қолмайди. Шунинг ҳисобига республикамиз йилига 300 миллион АҚШ доллари тежаб қолади.

Урганч шаҳрида Хоразмга Муборак гази келишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингни Хоразм вилоят ҳокими М. Жуманиёзов очди. Тантанада Вазирлар Маҳкамаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлаб, мамлакатда ёқилғи мустақиллигига эришилаётганини айтди.

Шундан сўнг, Хоразмга «зангори олов» етиб келгани рамзи сифатида газ машъаласи ёқилди.

Митингда республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов қатнашди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ХДП ҳаётидан*

АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ

Халқимизнинг севимли байрами — Наврўз айёми Ҳамза тумани Тарновбоши маҳалласидаги бошланғич партия ташкилотининг кенгайтирилган мажлиси «Наврўз» чойхонасида бўлиб ўтди.

Бундай мажлиснинг ўтказилиши бежиз эмас эди. Чунки туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотларининг энг кўп сонлилиги олиб борилаётган ташкилий партиявий, оммавий ишларнинг ибратлилиги билан ушбу бошланғич ташкилот алоҳида ўрин тутади.

Маҳалла оқсоқоллари К. Эрматов, А. Одилов, бастакор Т. Ҳасанов ва бошқалар республикада олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз сўзларида бошланғич партия ташкилоти олдида турган долзарб масалалар, сиёсий-ташкилий, ёшлар орасида тарбиявий ишларни пухта йўлга қўйиш, бўлажак сайловларга қизғин тайёргарлик олиб бориш тўғрисидаги фикрларини ўртага ташладилар.

Мажлисда иштирок этган Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ш. Шоисломов, Ҳамза тумани партия кенгашининг биринчи котиби Ш. Файзиев ўз сўзларида республика, шаҳар, туман партия ташкилотларининг фаолияти тўғрисида маълумот бериб, ҳозирги кундаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазият тўғрисида ҳамда мавжуд қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиб, сиёсий барқарорликни бузишга уринувчи баъзи бир нопок шахсларнинг қинғир ишларини қоралаб гапирдилар.

Муҳокама якунида Президентимиз, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг собитқадамлик билан олиб бораётган фаолятига юқори баҳо берилди ва бошланғич партия ташкилотларининг келажакдаги устивор вазифалари, оммавий-сиёсий ишларни ривожлантириш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Амир СОТИБОЛДИЕВ,
Ҳамза туманидаги Тарновбоши маҳалла партия ташкилоти котиби.

БОР БЎЛСИН ТАДБИРКОРЛАР

БЎШ КЕЛМАЯПТИ

— Агар менга озгина ҳимоят бўлса, корхонамни шакар ва телевизор ишлаб чиқаришга мослаштириб оламан, — дейди Жарқўрғондаги темир бетон буюмлари заводининг директори Зокир Рамазонов.

Директорнинг бу гапи бир қарашда Ньютоннинг менга ернинг таянч нуқтасини топиб беринг, уни чаппа қилиб ташлайман, деган мақтанишига ўхшаб кетади.

Бироқ, Зокиржоннинг заводида қилинаётган ишлардан хабардор одам унинг «агар» деб бошлаб айтадиган гаплари қуруқ мақтанишдан иборат эмаслигига иқрор бўлади. Ахир, у кейинги бир ярим йил ичида йирик гилам тўқиш цехини очди. Марғилонникидан қолишмайдиган атлас тўқий бошладилар. Бир гурунгда директор менга агар озгина ҳимоят бўлса, бутун вилоятда тайёрланадиган пиллани қайта ишлайдиган корхона қурамиз, деганди. Афсуски, ўша «ҳимоят» камлик қилдими, ишни юриштириб бўлмади. Шўрчидаги пилла қуритиш идорасининг бошлиғи Тўра Хўжагелдиев деган чобағон одам (кўпкарида улоқ чопган кишини Сурхондарёда «чобағон» дейишади) Зокиржон орзу қилганга ўхшаш корхонани қуриб, улоқни илиб кетди.

Бироқ, Рамазонов ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Пиллани тола қилиб берадиган иккита замонавий ускунани ҳов арзончилик паллаларида заводга келтириб қўйганди. Тошкентдан таклиф қилинган уста иштирокида ускуналар жойига ўрнатилди. Наврўз арафасида бу цехнинг очилиш маросими бўлди. Энди бир қизиқ ҳолатга эътибор беринг: цехда 250 тонна атрофида пилла ишланади. Шу ишнинг ўзи корхонага темир бетон буюмлари ишлаб чиқаришдан кўра икки баравар кўп иқтисодий самара беради. Ваҳолонки, цехнинг сатҳи 0,35 гектардан ошмайди. Бу заводнинг умумий майдонидан 200 баравар кам, демакдир.

— Цех очилган куни заводимизда ишчи ўрни 94 тага кўпайди, — дейди директор, — тез кунлар ичида биз пилла толасидан гилам, атлас, салла тўқиш арқоқларини ишлаб чиқара бошлаймиз. Бироқ, бу ишларимиздан ҳали кўнглимиз тўлгани йўқ. Дўконларимиз жаҳон бозорида муносиб ўрин олсамиди, ана унда...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистонимизнинг беполён далаларида экин-тикин ишлари авжига чиқди. Миллий бойлигимизни яратаётган пахтакорлар ҳам енг шимариб ишга киришдилар. Ҳар баҳорда шу такрорланади. Тажрибали ҳосилот Бекназар Усмоновнинг ҳам бу кўкламдан умиди катта. Зеро, у ўзининг пахта даласидаги 32-баҳорини ўтказмоқда.

Ҳа, у ҳаёти давомида пахтакорлик касбига меҳр қўйиб келди. У йиллар давомида чўлдаги кўплаб хўжаликларда меҳнат қилди. Қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига етказишда хизмати сингди. Касбга садоқат, ирода, сабр-қаноат туфайли барча қийинчиликларни енгиб ўтди. Айни пайтда у Дўстлик туманидаги Саркисов номли ширкатлар уюшмасида бош ҳосилот. Нияти — ўтган йили режаларни уддалай олмаган ушбу хўжаликни илғорлар сафига олиб чиқиш.

СУРАТДА: тажрибали ҳосилот Бекназар Усмонов ўғли Ойбек билан.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ҲАР БИР ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 9 апрель куни ўтказилган мажлисда вилоят ва туман ҳокимликлари, алоқадор муассаса ва ташкилотлар олдига ана шундай вазифа қўйилди.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари шу масала юзасидан мутасадди раҳбарларга мурожаат қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазири Рим ГИНИЯТУЛЛИН:

— Аввало шуни айтиш керакки, ер силжиши, сув тошқинлари кутилмаган ҳодиса эмас. Тоғ ва адирларга тўташ, сув йўллари ўтган жойлар учун бу хил вазият оддий саналади. Фақат об-ҳаводаги ўзгаришларга қараб уларнинг даражаси турлича бўлиши мумкин. Бу йил, аниқланган маълумотларга кўра, тоғларда қор 2—3 баравар кўп тўпланган. Агар кунлар бирдан исиб кетса келаётган сувни бошқариш учун анча-мунча куч-ғайрат талаб қилинади. Ҳозирги ҳолат ,менинг назаримда бир неча йилларда халқ ҳаётида рўй берган ўзгаришлар ҳосиласидир. Агар 1969 йилда Ўзбекистон аҳолиси 11 миллионни ташкил этган бўлса, ўтган муддат давомида бу кўрсаткич икки баравар ўсди. Одамлар имкон топган жойларда уй-жой қуришга киришдилар. Уларнинг 35 фоизи тоғ ва дарё билан туташ жойларда яшашади.

Бугунги кунда 600 атрофидаги қишлоқ ва масканлар хавфли жойларда эканлиги аниқланди. Халқ хўжалигига тегишли объектлардан мингга яқини, 80 дан ортиқ кашшофлар ороғоҳи, дам олиш масканлари ўта хавфли минтақада деб топилган. Эндиликда сув тошқинларининг олдини олиш учун 500 га яқин селхона, 5200 километрга яқин дамба, тўғон, сувдан муҳофаза қилувчи иншоотлар қурилиши керак. Айни пайтда 1200 километр атрофида сел йўлларини тиклаш зарур.

Кейинги тўрт-беш йил мобайнида 180 га яқин селхона қурдик. 3,5 минг километр масофада сувдан муҳофаза қилувчи иншоотлар қурилди ва таъмирланди. 1200 та сел йўллари битказилди. 5,6 миллион кубметр тупроқ ишлари, селкам 100 минг кубометр тош ишлари, 15 минг километрга яқин темир-бетон ишлари бажарилди.

— Бу борада сув омборларининг имконияти қандай?

— Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 57 та сув омбори ишлаб турибди, 18 та тўла топширилмаган сув омборидан фойдаланилмоқда. Буларнинг бари дарёларга туташган. Маълумки, сув омборлари дарё оқимини бошқаради, ёз пайтида ичишга, экинларни суғоришга асқотади. Агар сув омборларимиз 18 миллиард кубметр сувни сиғдирса, ҳозирги пайтда уларда 11 миллиард кубметр сув бор. Демак, яна 7 миллиард кубметр миқдордаги сувни жойлаштириш имкони бор. Бу озми ёки кўпми? Муқояса учун бир рақамни келтирай: Зарафшон дарёсидан йил бўйи 5 миллиард кубметр сув оқади. Албатта, сув омборларида қўшимча жойнинг бўлиши масала ўз-ўзидан ҳал этилди, дегани эмас. Биз бундан ташқари жуда кўп ташкилий тадбирларни кўришимиз зарур.

Баъзан «Нега кейинги йилларда сув билан боғлиқ офатлар тез-тез рўй бераяпти?» деган саволни бериб қолишади. Четдан қараганда майдачуйда бўлиб кўринадиган, аслида жуда бир муҳим омил ҳақида гапирмоқчиман. Ёши улуғ кишилар ёдларида бўлса, илгари Ўзбекистоннинг барча қишлоқларида ариқларда сув оқиб турарди. Чинакам тириклик нафаси уфуриб турган ана шу ариқлар нафақат хонадонлардаги экинларни обиҳаёт билан таъминлар, балки оқиб келаётган сувни талофатсиз, эсон-омон ўтказиб ҳам юборарди. Эндиликда ана шу ариқлар кўмилиб кетган, бинобарин қишлоқ кўчаларига сув келиб қолса ҳар томонга тошиб кетиши ҳеч гап эмас. Юртимизда истиқлол туфайли азалий қадриятларимиз қайтиб келмоқда, яхши анъаналаримиз тикланмоқда. Шу маънода ҳар кўчада ўша ариқлар яна қазилса, улардан сувлар чулдираб оқиб турса — олам гулистон бўларди. Бу энди мавсумий иш эмас. Уни тўла амалга ошириш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариши, каттаю-кичикда ҳаёт манбаи бўлмиш сувга нисбатан меҳр уйғонмоғи керак.

— Яна қайси масалаларга эътибор қаратилиши керак деб ҳисоблайсиз?

— Жойлардаги ҳокимликлар, хўжаликларнинг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 февралда қабул қилган «1994 йилнинг баҳор — ёз даврида тошқин ва сел оқимларини талофатсиз оқизиб юбориш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида ҳар бир мулкэгасини хушёрликка чорлаб, керакли ташкилий ишларни амалга оширишлари зарур. Албатта, аҳолини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ўз-ўзидан бўлмайди. Лекин гап ҳар бир инсон ҳаётини сақлаш ҳақида борар экан, республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда айтилганидек, биринчи босқичда кўчки, сел хавфи кетгунга қадар одамларни тахминан икки ойга вақтинча бошқа жойларга олиб чиқиб туриш лозим. Қолган юмушлар ҳам ана шу белгиланган тадбирлар асосида расамади билан бажарилади. Хуллас, ҳамма ўз ишини жойида билиб уддаласа, сув балосига қарши қалқон бор.

Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Тўлқин ШОЕҚУБОВ:

Ўзбекистон табиати, ер тузилиши жиҳатидан ўзига хосдир. Каттагина майдонлар тоғли ҳудудлардан иборат. Юмшоқ жинсли тоғлар яъни, сув кўп бўладиган тупроқли жойларда ҳар йили апрель ойи ўрталаридан бошлаб май ойи мобайнида кўчкилар бўлиб туради. Республикамизда шундай ерлар 5100 квадрат километр майдонни ташкил этади.

Одатда Ўзбекистонда бир йилда 400—500 маротаба катта кичик кўчкилар бўлиб туради. Лекин бу йил бошқача келди. Куз ва қиш ойларида ёмғир ва қор анча кўп ёғди. Натижада юмшоқ жинсли тоғли ҳудудларда кўчкилар кўп бўлиши кутилмоқда.

Шуни назарда тутган Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси қошида тузилган ер кўчишларини ўрганиш ва улар ҳақида маълумот ҳамда тавсиялар бериш инспекцияси жойлардаги аҳволни жиддий ўрганмоқда.

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Деҳқонобод, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент, Самарқанд вилоятининг Ургут туманларида кўчки бирмунча кўп бўлиши мумкин. Фақатгина Тошкент вилоятининг ўзидагина ер кўчиши хавфи бўлган ерлар 2100 квадрат километрни ташкил этади.

Шу йилнинг ўзида ҳозиргача вилоятда 280 тага яқин кўчки кузатилди. Шунинг қарийб 10 таси анча хавфли ҳисобланган йирик ер кўчишидир. Келгусида республика бўйича 2 мингдан зиёд кўчки бўлиши кутилмоқда. Чунки юқорида айтганимиздек, силжиш содир бўлиши мумкин бўлган ерлар кўп миқдорда нам билан тўйинган. Бу ерларда сурилиш жараёнлари бошланди.

Об-ҳавонинг бирдан исиб кетиши оқибатида қорнинг тез эриши туфайли келадиган селлар ва ёғингарчиликлар натижасида тўсатдан йирик кўчкилар бўлиши мумкин. Ана шундай пайтда одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун олдиндан чоралар кўриш ғоятда муҳимдир.

Қўмитамиз мутахассислари шуни назарда тутиб, 168 та аҳолиси кўчирилиши зарур бўлган қишлоқлар ҳақида маълумот бердилар. Тегишли туманлардаги мутасадди ўртоқлар бундан хабардорлар. Ана шу жойларда аҳолини кўчириш ишини зудлик билан ташкил этиш, уларнинг нормал ҳаёт кечиришлари учун бошқа ерда шароит яратиб бериш керак.

Чунки инсон ҳаётини ҳеч бир неъмат билан қиёслаб бўлмайди. Қолаверса, аҳоли хавфсизлигини, уларнинг ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлишини таъминлашдан зарур иш йўқ. Бу ҳаммамиз, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муҳим ишга масъулият билан ёндашилган жойларда жуда кўплаб одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Афсуски, бефарқликка йўл қўйилган ерларда эса қурбонлар юз берди. Энди бу ҳолга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун кўмитамиз мутахассислари томонидан берилган маълумотларга жиддий муносабатда бўлиш, тавсияларга амал қилишни маслаҳат берамиз.

Тўғри, биз Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудини тўла текшириб, улар ҳақида тўлиқ хулосаларимизни бекаму кўст айтганмиз, дея олмайман. Жойларда яшовчилар, раҳбарлар маҳаллий шароит билан яхшироқ танишар. Шунинг учун бирор нарсани олдиндан сезсалар, дарҳол бизга хабар беришлари мумкин. Биз уларга мутахассис сифатида малакали ёрдам беришга тайёрмиз.

Академик Ғани Мавлонов номидаги сейсмология илмий-тадқиқот институти директори Қаҳҳорбой АБДУЛЛАБЕКОВ:

— Одатда тоғ бағирларида юз берадиган офатлардан бири — бу тепаликларнинг кутилмаганда сурилиб кетишидир. Улар турли хил сабабларга кўра содир бўлади. Бу сурилишлар зилзилалар билан ҳам боғлиқдир. Тагига сув ўтиб, илвиллаб турган тепаликлар қаттиқ зилзилада тўсатдан ва ундан бироз вақт ўтгач ҳам сурилиб кетиши, қишлоқларни босиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шу кунларда ҳаммамизнинг олдимизга муҳим қилиб қўяётган масала ана шу офатларнинг қачон ва қаерда, қандай ҳолатда пайдо бўлишини олдиндан айтиб бериш ва кечиктириб бўлмайдиган барча зарур чораларни ҳозирданоқ амалга оширишдан иборатдир. Бунинг учун бизда етарли илмий кучлар бор. Ҳозирда республикамизда 35 та сейсмик станция ишлаб турибди. Бу станцияларда ерларнинг остки қатламларида турли хил жараёнларнинг юз бериши ва ер қобиғининг ҳолатлари ўзгаришига доир маълумотлар ҳар куни олинмоқда ва улар ҳафтада бир марта умумлаштириб, якуний хулосалар тайёрланмоқда.

— Кузатиш ишлари бўйича яқин вақтларда юз бериши мумкин бўлган зилзилалар борми?

— Яқин бир ва бир ярим ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унга чегарадош қўшни ўлкаларда хавфли зилзилалар кутилмайди. Бундан икки йил олдин Тожикистон ва Қозоғистон ҳудудида зилзила содир бўлиши ҳақида маълумотлар прогнози турмушда аниқ бўлиб чиқди. Ушанда жойларда тегишли тайёргарлик ишлари кўрилган эди. Натижада тоғ бағри қишлоқларида одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконияти туғилди.

— Тоғ бағридаги хавфли жойларни аниқлаш борасида яна қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Утган йили Асака шаҳри атрофида мудҳиш кўчки юз бериши аниқланди. Бу табиий ҳол амалда юз берди. Лекин баҳайбат кўчкининг бир қисми сурилмай тепаликда осилиб қолди. Биз ўшанда геологлар билан ҳамкорликда ишлаб, ана шу қолган кўчки (бир неча миллион кубометр тупроқ)ни уриб туширишни маслаҳат бердик. Тегишли идоралар бу ишни бажаришди ва бевақт юз берадиган хавф амалда ўз вақтида бартараф этилди. Яна бир мисол бундан бир ой олдин Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимлиги олимларга хат билан мурожаат этди. Туманнинг Бўрсилиқ қишлоғида аҳоли уйжой биноларида дарз кетиш, қийшайиш ҳолати кузатилаётган экан. Мутахассисларимиз дарҳол ўша жойга бориб кузатиш ишларини олиб боришди. Қишлоқ уйларининг тагига силжияётган сув унинг тепасидан ўтказилган каналдан сизиб оқаётган экан. Бу канални қайта бетонлаш, иншоот иш сифатини яхшилаш ҳақида тавсиялар бердик. Ҳозирда амалий чораларни кўриш ҳокимлик идоралари зиммасида.

Ўзбекистон гидрометеорология маркази бош синоптиги Тоҳир МУХТОРОВ:

Умуман олганда апрель ойининг серёғин бўлиши табиий. Зеро, шу ойнинг биринчи беш кунлигида Ўзбекистон шароитида ўртача ҳар икки йилда бир марта халқ тили билан айтганда «хатар», яъни совуқ тушиши кузатилмоқда. Хусусан, кейинги ўн йил, жумладан, 1986, 1989, 1993 йилларда об-ҳавода ана шундай ўзгаришлар содир бўлди.

Хўш, ҳавонинг совиб кетиши қандай юз берди? Кузатишларга қараганда, жанубий хориж мамлакатларидан циклоннинг биз томонга йўналиш олиши натижасида ёғингарчилик кўпайди. 4 апрелда эса кутилмаганда Арктика томонидан совуқ ҳаво оқимининг Ғарбий Сибир орқали тўғри Марказий Осиё минтақаларига етиб келиши натижасида 5 апрель кечаси ҳарорат пасайиб кетди. Ҳароратнинг 5-11 даражагача пасайиши республикамизнинг катта қисмида юз бергани маълум бўлди. Натижада ҳавонинг пастки, ернинг устки қатламлари 0—5 даражагача совиди.

5—6 апрель кунлари Самарқанд вилояти, Жиззах, Тошкент, Наманган ва Қашқадарё вилоятларининг баъзи туманларида 1-5 сантиметр қалинликда қор ёғди. Унинг қалинлиги Наманган вилоятининг Янгиқўрғон ва Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманларида 6-11 сантиметргача етди. Ёғингарчилик миқдори мазкур ҳудудларда 25—75 миллиметрга етди ёки ойлик миқдорнинг 50—100 фоизи, қолган жойларда 5—40 фоизини ташкил этди.

Мамлакатимиз деҳқончилиги учун нохушлик келтирган бундай об-ҳаво ҳақидаги маълумотни бир ҳафта олдин хабар қилган эдик. Узоқ ва қисқа муддатли об-ҳаво хизмати ходимларининг тўпланган маълумотлари радио, телевидение ва газеталар орқали шарҳланган. Умуман биринчи ўн кунликда ҳавонинг паст келиши ҳақидаги тўпланган маълумот тўғри бўлиб чиқди.

Энди шу ҳафтанинг биринчи ярмида об-ҳаво қандай бўлиши ҳақида икки оғиз сўз. Республикамизда бу кунлар кам булутли бўлди. Фақат тоғли ҳудудларда бироз ёмғир ёғиб ўтди. Ҳарорат кечалари 2—4 билан 7—12, кундузлари 18—23 даража атрофида бўлди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса ҳавонинг авзойи бузилади. Баъзи жойларда ёғингарчилик бўлиши кутилади. Ҳарорат 11—16, шимолий ҳудудларда 1—6 билан 7—12 ўртасида, кундузлари 9—14 билан 16—21 даражагача етади.

Суҳбатларни Шуҳрат ЖАББОРОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Абдулла ПУЛАТОВ ва Ҳайдар НОСИРОВлар олиб боришди.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 55

1994 йил 14 апрель.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

І-ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МОДАЛАР ОЧИҚ ЯРМАРКАСИ

«АЗИЯ МОДНАЯ—94»

1994 йил 25—29 май ЎзЭКСПО маркази (собиқ ХХЮК)да

Ҳурматли жаноблар! Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг республика Савдо-Қўргазма маркази «Бизнес Вестник Востока» «БВВ» минтақавий иқтисодий ҳафтаномасининг «Бизнес маркази» билан биргаликда І-Тошкент халқаро модалар очиқ Ярмаркасига таклиф этади.

Биз Тошкентга МДҲ мамлакатларидан ва ҳориждан барча манфаатдор бўлган модали кийим-кечаклар, пойабзаллар, аксессуарлар, тақинчоқлар, пардоз-андоз, жун, ип-газлама, фурнитура, ўраб жойлаш, чарм, мўйна ишлаб чиқарувчиларни, экспортёрларни ва импортёрларни, шунингдек, хом ашё етказиб берувчиларни, реклама ва сервис фирмаларини ярмаркага чорлаймиз. Улар билан биргаликда дизайнер-модельерларнинг Тошкентга келишини ҳам кутаяпмиз. Модалар ва тайёр кийим-кечакларнинг амалий намойишини ҳамда қўргазмага қўйилган моделлар ва намуналарнинг кимошди савдосини ўтказишни ҳам режалаштиряпмиз.

Бўлажак Ярмарка аввало ундаги қатнашчилар таркибининг ноанъанавийлиги ва шу хилдаги улгуржи савдоларни ташкил этишга янгича ёндошуви билан ажралиб туради. Жиҳозланган ёпиқ қўргазма майдонининг бир квадрат метри нархи — 80 АҚШ доллари. Ҳақ тўлаш — сўм-купонда, АҚШ долларида. Чегирмалар тизими ҳам кўзда тутилган.

Ярмаркадаги энг асосий нарса нима бўлиши лозим? Биз Ярмарка қатнашчилари томонидан молиявий—саноат гуруҳи кўринишида бўлган Халқаро Корпорацияни тузиш лойиҳаси муҳокама этилишини истардик.

Агар сиз дўстларингиз ва бизнес бўйича ҳамкорларингизни бўлажак Ярмарка тўғрисида бохабар этсангиз бағоят миннатдор бўлурдик. Уларнинг Ярмаркада жамоа бўлиб қатнашишлари ҳам мумкин. Бундай ҳолда қўшимча ҳақ ва Ярмаркада тузилган битимлардан воситачилик фоизи олинмайди. Товар хом ашё биржалари орқали тузиладиган битимларда кўзда тутилган молларнинг катта қисми Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилаётганда лицензия сўралмайди. Агар Сиз бу сафар бизга келолмасангиз, унда биз Сизни 1994 йилнинг 26—31 октябрь кунлари ўтказиладиган кузги Ярмаркада кутамиз.

Ахборотимиз билан танишиб чиқишга вақтингизни аямаганлигингиз учун сиздан миннатдормиз.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ: (37-12) 33-84-30, 32-55-12; 32-56-85, 56-51-69, 78-51-41. (Кечқурун ва дам олиш кунлари); ТЕЛЕФАКСЛАР: (3712) 33-81-42, 44-29-97 «БВВ» учун; ТЕЛЕТАЙП: 116912 «БВВ» учун йўл; ТЕЛЕКС: 116904

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 13 апрелдан Республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1	Австралия доллари	1286 сўм 63 тийин
1	Австрия шиллинги	148 сўм 10 тийин
1	Англия фунт стерлинги	2622 сўм 17 тийин
10	Бельгия франки	505 сўм 52 тийин
1	Голланд гульдени	928 сўм 19 тийин
10	Греция драхми	71 сўм 02 тийин
1	Дания крони	266 сўм 23 тийин
1	АҚШ доллари	1785 сўм 00 тийин
1	Миср фунти	527 сўм 02 тийин
1	Ирландия фунти	2530 сўм 59 тийин
1	Исландия крони	24 сўм 70 тийин
10	Испания песети	129 сўм 02 тийин
100	Италия лираси	109 сўм 80 тийин
1	Канада доллари	1290 сўм 67 тийин
1	Қувайт динори	5997 сўм 98 тийин
10	Ливан фунти	10 сўм 55 тийин
1	Немис маркаси	1041 сўм 42 тийин
1	Норвегия крони	240 сўм 57 тийин
10	Португалия эскудоси	102 сўм 47 тийин
1	Сингапур доллари	1141 сўм 82 тийин
10	Туркия лираси	0 сўм 52 тийин
1	Финляндия маркаси	323 сўм 84 тийин
1	Француз франки	304 сўм 32 тийин
1	Швед крони	226 сўм 44 тийин
1	Швецария франки	1237 сўм 01 тийин
1	ЭКЮ	2016 сўм 16 тийин
10	Япония иени	172 сўм 55 тийин

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан

— Қатиқ, сузма, қуюлтирилган сут, томат пастасини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ачитиш ускуналарини;

— ОКСТ 67114, кучи 40 т/с бўлган гидропрессларни;

— трубаларни қайириш станокларини (трубалар диаметри 200 мм гача);

— А 9-К49 маркали мевадан думини ажратиб олиш қурилмаларини

СОТАДИ

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58.
ФАКС: 45-75-23.

«МАДАНИЯТ»

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО-МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Тошкентдаги омборлардан олий навли Хитой кўк чойи, деворга ёпиштириладиган ювиладиган гулқоғоз, кир ювиш машиналари, чет эл ароқлари, миксерлар, қандиллар ва бошқа халқ истеъмоли моллларини сотади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 45-57-68, 45-49-52, 45-60-39, 45-85-56.

ТАШКИЛОТ

ёғоч материаллари ва полиэтилен плёнкаларни Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаб чиқариладиган халқ истеъмол молларига алмаштириш шарти билан

ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

ТЕЛЕФОНЛАР: 98-70-49, 98-71-49.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан ўзимизда ишлаб чиқарилган 2,2 квт дан 4 квтгача бўлган, минутига 1000 дан 3000 мартагача айланадиган уч фазали асинхрон электродвигателларни,

Японияниинг «Тошиба» фирмасида ишлаб чиқарилган, 2,2 квтдан 55 квтгача бўлган, минутига 720 дан 3000 тагача айланадиган уч фазали асинхрон электродвигателларни

СОТАДИ

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58.
ФАКС: 45-75-23.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

1994 йил учун ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда докторантура ва аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА:

01.02.04 Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар; 05.23.01 Бино иншоотлар ва қурилиш конструкциялари; 05.23.05. Қурилиш материаллари ва маҳсулотлари; 05.23.17. Қурилиш механикаси.

АСПИРАНТУРА:

01.01.02. Дифференциал тенгламалар; 01.01.05. Эҳтимоллар назарияси; 01.02.01. Назарий механика; 01.02.04. Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар; 01.02.05. Суюқлик, газ ва плазма механикаси; 01.04.16. Ядро, элементар заррачалар физикаси; 05.13.01. Техник тизимларда бошқариш; 05.23.01. Бино иншоотлар ва қурилиш конструкциялари; 05.23.05. Қурилиш материаллари ва маҳсулотлари; Сув иншоотлари; 05.23.08. Қурилиш технологияси ва ташкил қилиш; 05.23.17. Қурилиш механикаси; 05.24.01. Геодезия; 08.00.01. Сиёсий иқтисод; 08.00.05. Менежмент; 18.00.01. Меъморчилик тарихи ва назарияси; 18.00.02. Бино ва иншоотлар меъморчилиги; 18.00.04. Шаҳарсозлик, қишлоқларни лойиҳалаш ва ландшафт меъморчилиги;

Аризалар 1994 йилнинг 15 апрелидан 30 майгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари Олий ўқув юрти дастури бўйича фалсафа, чет (инглиз, немис, француз) тиллари ва мутахассислик фанидан 1994 йилнинг 2 сентябридан 20 октябригача ўтказилади.

Кириш имтиҳонларини топшириш учун ариза ва ҳужжатлар (диплом ва баҳолар иловасидан кўчирма, тавсифнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, кадрлар ҳисоби шахсий вараги, таржимаи ҳол, 2 тадан 3х4 ва 4х6 ўлчамдаги фотосурат, илмий ишлар рўйхати) институт ректори номига қуйидаги манзилга юборилсин.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13. Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.

Телефон: 44-18-79.

Анipча Импex Ltd.

«Анипра Импекс ЛТД» хорижий корхонаси шартномавий нархларда факт бўйича ҳақ тўлаш ҳисобига қуйидаги молларни таклиф этади:

— «АППОЛО» ТИШ ЮВИШ ПАСТАСИ (Ҳиндистон маҳсулоти)
энг кам миқдори — бир қутида 144 дона;
— ПАЛЬМА ЕҒИ (Малайзия маҳсулоти)
энг кам миқдори — бир канистрда 20 литр.

Алоқа телефонлари:
56-33-57, 56-29-66, 54-99-61.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 16-а («Ойбек» метро бекати).
312-314 хоналар.

ОҲАНГАРОН ШАҲАР «САНТЕХЛИТ» ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча корхона, ташкилот, муассасалардан, фуқаролардан иккиламчи металлчугун чиқиндиларини чекланмаган миқдорда қабул қилади. Ҳисоб-китоб завод ишлаб чиқарган имтиёзли равишда яъни маҳсулотлар билан алмаштирилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар «САНТЕХЛИТ» заводи.

ТЕЛЕФОН: 5-41-31, 5-41-32.

БУ АКЦИЯЛАРГА ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНИШИ ҚЎРҚИНЧЛИ ЭМАС!

«Тошкент» Республика фонд биржаси» акционерлик жамияти 1994 йил 8 апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтганлигини (рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 11) маълум қилади.

«Тошкент» Республика фонд биржаси «Тошкент Ўзбекистон Республика товар фонд биржаси» масъулияти чекланган жамиятнинг юридик шахс белгилари ва фонд бўлими аъзолари олдидаги мажбуриятлари қисми юзасидан ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

«Тошкент» Республика фонд биржаси қуйидаги манзилгоҳда жойлашган:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси. 45-уй.

Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ ТИФ Миллий банки, ТИАВнинг "Экспомарказ" РКСМ, "ЦМИ" инновация фирмаси, "Central Asia-XXI" АЖ

ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕС УЧУН ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

"CENTRAL ASIA - BANK & OFFICE '94" ХАЛҚАРО ҚЎРГАЗМАСИНИ

10-15 майда ЭКСПОМАРКАЗда (собиқ ХХЮК)

НАМОЙИШ ЭТАДИЛАР
- банк фаолиятларини автоматлаштириш
- бизнесни ташкил этиш ва бошқариш воситалари
- ташкилий техника ва алоқа воситалари
- офис учун ускунлар ва мебеллар

ИШТИРОКЧИЛАР:
Rank Xerox, Lotus, Valentini, Москва Sparc-технологиялар маркази, ComputerLand, MCS ICL, RISO, Нурон, Технезис Инфо, Нихол, ВаДиМ, ФАВН, Ўзагроинформ, Ўзинформтранссистема

Қўргазма маъмурияти: Ўзбекистон, 700077, г. Тошкент, Буюк Ипак Йўли, 71/11, ЦМИ
Алоқа телефонлари: 68-88-47, 68-83-64, 68-22-20; факс:68-75-98, 67-64-77

ҲОМИЙЛАР

ICE журналы "МирПК" "Сети"

Nihol НИХОЛ РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР

"ЎЗКСЕРОКС" ҚК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ «ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛК МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКЧИЛИК ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ 1994 ЙИЛ 8 АПРЕЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН.

ПУЛЛАРНИ КЎЧМАС МУЛК ОРҚАЛИ ЎЗГАРТИРИНГ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ!

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 39-41-37, 39-45-46.

ФАКС: (3712) 39-45-37.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.
Индекс: 75487.

ПОЙТАХТИМИЗ САРИШТАЛИ БЎЛАДИ

Ҳар шаҳарнинг кўркам, гўзаллиги унинг ободончилиги, тозалиги билан белгиланади. Шу боисдан шаҳарлар тоза, обод бўлса, унга келувчи минг-минглаб меҳмонларнинг кўнгли чоғ бўлади.

Қадимда ҳам аждодларимиз, ҳаммадан шаҳар озодалигига эътибор беришган. Чунки ёзи жазирама бўладиган ўлкамизда, шаҳарда бепарволик оқибатида тўпланиб қолган ахлат турли касалликларнинг тарқалишига асосий манба бўлган. Натижада, вабо, ич терлама ва бошқа юқумли касалликлар оқибатида минглаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юмишган.

Бугунги кунда ҳам ойлаб олиб кетилмай тўпланиб қолган ахлатлар турли хил хасталикларга сабаб бўлиши мумкин.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бу каби тўпланиб қолаётган ахлат чиқиндилари эндиликда олди олинадиган бўлди. Швейцариянинг «№ S», «Атлант» фирмалари ҳамкорликда ўзимиздаги «Мезон» фирмаси давлат тузилмасига мувофиқ қилинажак барча ободончилик, тозалик ишлари режасини ишлаб чиқди. Бу режа Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга оширилиб, туманнинг бир қанча ҳудудларида синаб кўриладиган бўлди.

Муҳими, бу фирмалар давлатдан маблағ олишмайди. Аксинча аҳолига салафан халталар тарқатиб, чиқинди топширган кишига пул ҳам тўлайди.

Фирмалар асосан, аҳолидан чиққан ойна синиқлари, металл, нон қолдиқлари, қоғоз чиқитлари каби ахлатларни қайта ишлаш ҳисобига фойда орттириб, шаҳар тозалиги ишларига сарф этаверади.

Маъмуржон ҚИЕМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СОВУҚ ШАМОЛЛАР

Баҳодир ЮНУС

Тегманг менга, тегманг менга совуқ шамоллар,
Етарлидир юрагимда тўпланган ғамлар.
Ўтинаман четлаб ўтинг, бузманг хаёллар,
Тегиб кўрди ахир қанча-қанча номардлар.

Яшашимнинг боисини билмоқ бўлсангиз,
Борлигидан бу дунёда яхши одамлар.
Қувончимни гар сарҳисоб қилмоқ бўлсангиз,
Ёрлигидан бу дунёда яхши одамлар.

Ютинаман, тегманг менга совуқ шамоллар,
Тегиб кўрди юрагимга баъзи бебурдлар.

Юзларига ниқоб тутиб, сайрашди бот-бот,
Пайтин пойлаб яхшиларни сотувчи шулар.
Душманимга сиз тиғ бўлинг, энди шамоллар,
Елканимга бир куч бўлинг, энди шамоллар.

* * *

Йўқ, чинор умрини тиламайман мен,
Чинорнинг умри бу чинорларга хос,
Йўқ, тоғлар умрини тиламагум ҳеч,
Тоғларнинг умри бу ул тоғларга хос.
Бир инсон умрини тилайман сенга
Инсонлардек яшаб, ҳалол ўтсанг бас.

КАМ БЎЛМАГАЙ

Тўғрилик йўлида юргил, қоматинг хам бўлмагай,
Бадқилиқ бўлма юҳо, кўзларинг нам бўлмагай.

Кимки олмиш эл дуосин, ишида бўлгай ривож,
Эътибори орта боргай, заррача кам бўлмагай.

Ким яширмоқ истаса дард, истмаси ошкор этиб,
Ҳозиқу ҳеч бир табиб анга малҳам бўлмагай.

Ёру дўстлар даврасидан жой олар бўлса ҳасад,
Сочилиб кетгай тарикдек, ҳеч қачон жам бўлмагай,

Оқилу доно қолиб, нодон элга бўлса бош,
Ул маконда изғирин қиш, асло кўклам бўлмагай,

Йўл юрар бўлсанг мудом бир ҳамфикр йўлдошни топ,
Учраган ҳар битта одам сенга ҳамдам бўлмагай.

* * *

Ғанимлар сирингни билгани ёмон,
Билиб, сўнг бағрингни тилгани ёмон.
Ва лекин сергалва ҳаётда гоҳи
Чин дўстнинг хиёнат қилгани ёмон.

• Футбол

ОЛҚИШЛАР ЯНГРАМОҚДА, ТЎПЛАР УРИЛМОҚДА

Футболни кексаю ёш бирдай севади. Республикамизда футболни янада ривожлантириш тўғрисида махсус қарор чиқарилгани ҳам шундан. Мамлакатимизда миллионлаб ишқибозлар бор. Ҳа, футбол серзавқ томоша.

Футболимиз тарихида янги саҳифа очилди. Боиси, катта футбол меҳмон бўлиб турибди. «Пахтакор» стаднони байрам тусини олди. Қарсаклар янграйди, осмонга бешта шар кўтарилади. Ўрта Осиё мамлакатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг байроқлари ҳилпирай бошлади.

Ҳукумат раҳбарлари, халқаро футбол федерацияси ва Осиё футбол конфедерацияси вакиллари ҳам ҳозир. Музика садолари остида беш давлат миллий терма жамоалари футбол майдонида саф тортишди. Футбол ишқибозларини катта спорт байрами очилиши билан қутлашлар бўлди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳия садолари остида Туркманистон ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари капитанлари Давлат байроғини кўтарадилар. Халқаро Тошкент турнири очиқ деб эълон қилинади.

Шундан сўнг спорт байрамининг бадиий қисми куй ва қўшиқларга уланиб кетди.

Санъаткорларнинг чиқиши ниҳоясига етгач, футбол марши янграб яшил майдонга Ўзбекистон ва Туркманистон миллий терма жамоалари тушишди. Олқишу ҳайқириқлар. Ҳакам учрашувни бошлашга рухсат берди. Ўйин бошланди. Ҳамюртларимиз шиддат билан олдинга ташланишди. Хавфли вазият ва тўп дарвоза тўсини ёнидан ўтиб кетди. Бу тўп — АҚШда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида фойдаланишга мўлжалланган тўплардан бири. Тошкентга атайлаб шу тўпдан бештаси келтирилган. Ўзбекистонликлар кетма-кет ҳужум уюштирди. Лекин Шуҳрат Мақсудов билан Рустам Абдуллаевлар қулай вазиятни бой бериб қўйишди. Абдуқаҳҳор Маъруфалиевнинг чаққон ҳаракатлари олқишланди. Ўйин-ку яхши, голдан дарак йўқ. Биринчи бўлимнинг сўнгги 43-минутида стадион ларзага келди. Гол! Шуҳрат Мақсудов учрашувдаги ҳисобни очди. 1:0.

Иккинчи бўлим ҳам ўзбекистонликлар устунлигида бошланди. Кўп ўтмай Абдуқаҳҳор Маъруфалиев яна ўзини кўрсатди. Тўп дарвозаси тўрига урилди. 2:0. Орадан беш минут ўтар-ўтмас Шуҳрат Мақсудовнинг чап қанотдан оширган тўпи билан Рустам Абдуллаев ҳисобни 3:0 га етказди. Кейин Ш. Мақсудов ўрнига Нўъмон Ҳасанов майдонга тушди. Нўъмон тезда ўз ўрнини топди. Навбатдаги ҳужум. Тўп билан Нўъмон Ҳасанов. У бир неча рақиб ҳимоячиларини алдаб ўтиб, тўпга зарб берди — 4:0. Ўзбекистон миллий терма жамоаси халқаро турнирнинг биринчи учрашувида шундай ҳисобда ғалаба қилди.

Қозоғистон ва Тожикистон миллий терма жамоалари учрашуви ҳам қизиқарли ўтди. Ўйин 1:0 ҳисобида қозоғистонлик футболчилар ғалабаси билан якунланди.

Равшан ШОДИЕВ.

• Сиз севган санъаткор

ЎЛМАС ОВОЗ СОҲИБИ

У пайтлари қўшиқ тинглашни биларди. Санъат аталмиш сирли дунёнинг кўнгилларни сел қилиб юборадиган тарафларини нозик тушунардик. Ҳа, ўша пайтларда Ўлмас Санджонов деса ҳаяжонга тушардик. Биринчи қўшиқлари биланоқ у халқ ўртасида машҳур бўлган эди. Яна бир ғалати томони, у санъаткорлик мактабини ўтамаган. Касби гидротехник. Ҳаётда шунақаси ҳам бўларкан-да.

Мана, сувчи-ҳофиз билан дардлашиб ўтирибмиз.

— Биринчи марта Фурқат ғазали билан айтиладиган «Кўзларинг» ашуласини айтганман. Машҳур бастакор Муҳаммаджон Мирзаев куй басталаганлар, — дея сўз бошлайди Ўлмас. — 1969 йили Китоб туманидаги Абдулла Қаҳҳор номидаги мактабнинг 9-синфида ўқирдим. Яккахон ашулачиларнинг республика кўрик-танловида қатнашдим. Бахтни қарангки, шу қўшиғим юксак баҳо олди. Ўшанда республикамизнинг машҳур санъаткорлари Саодат Қобулова, Ориф Алимаҳсумовлар елкамга уриб, мактабни битириб, консерваторияда ўқишим кераклигини айтишди. Лекин, қўл калталик қилди. Тошкентга боролмадим. Ниятим Қарши Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига кириб ўқиш эди. Буям насиб этмади. Жисмоний тарбия факультетига қабул қилишди. Уни битиргач, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Қарши филиалидаям ўқидим. 1981 йилдан бери сув хўжалиги тармоғида, яъни Қарши бош магистраль каналида етакчи инженер бўлиб ишлаб келаяпман. Аммо, қўшиқчиликни бир зум ҳам тарк этганим йўқ.

— Сизга бетакрор санъаткор Маъмуржон Узоқовнинг нафаси теккан, дейишади. Устозлик қилганмилар?

— Йўқ, минг афсуски, раҳматли (у дунёлари нурга тўлсин) Маъмуржон Узоқовни фақат телевизорда кўрганман. Шахсан суҳбатларида бўлмаганман. У кишининг ашулаларини радиодан эшитиб шунақа эриб кетардимки... Муаллим акам Самижон доимо у кишига тақлид қилиб, мана шу қўшиқни айтарди:

Тўхкали жаллод эрур,
Ишқ аҳлидан қон кўзларинг.
Қилди охуни хўтан,
Даштида сарсон кўзларинг.

Менга Маъмуржон Узоқовдек куйлаш ҳавасини акам уйғотган десам хато бўлмас. Қолаверса, мактабда бадиий ҳаваскорлик тўгарагимизнинг раҳбарлари Луқмон Бадалов ва Асадулло Шомансуровларнинг ҳам хизмати катта. Тўгаракда қатнашиб юрган кезларимда таниқли хонанда Алижон Ҳасанов ижро этган «Ҳар кеча ишқингда жонон кўзларинг қон йиғлади» ашуласини берилиб куйлаганимни устозларим ҳозиргача айтишади.

Талабалик даврим, яъни 1972 йили «Марҳабо, талантлар» телевизион конкурсида Нодира ғазали билан айтиладиган «Баёт-5» ни ижро этганимда Мукаррама опа Тургунбоева мени ёнларига чорлаб, «Яша ўғлим. Маъмуржон ака ўлмабди» дея пешонамдан ўпиб, қўшиб қўйгандилар: «Сендан келажак да яхши ҳофиз чиқади».

— Нега энди айнан мумтоз қўшиқлар айтишни танлагансиз?

— Биласизми, яхши ғазал тиниқ сувга ўхшайди. Ичганингиз сари ичгингиз келаверади. Тинглаган сари тинглагингиз... Классик қўшиқлар ҳам шундай ёқимли, ҳазмли. Уни айниқса, субҳидамда тингласангиз, беҳад завқланасиз. Қолаверса, мумтоз ашулаларга кўнглимнинг мойиллигидан бўлса керак. Онам вафот этиб, бир ёшга етар-етмас етим қолганман. Болалигим ўтган Китоб туманининг Ҳисор тизма тоғлари этагидаги Туябоши қишлоғида кўп азоблари, қийинчиликларни бошдан кечирганман. Устоз санъаткор Фахриддин Умаров ижро этган «Онам дерман» ашуласи ҳам репертуаримдан шу йўсинда ўрин олган.

Дарҳақиқат, Ўлмаснинг баъзи санъаткорларга ўхшамайдиган фазилатларидан бири унинг ўта камтарлиги ва камсуқумлигидир. Бу бежиз эмас. Қўшиқ билан одоб ҳамиша ёнма-ён. Уни ҳашаматли тўйларда ва казо-казоларнинг базми-жамшидида эмас, балки оддий кишилар даврасида кўп учратамиз. Ёки шаҳар, туман, вилоят ва республика миқёсидаги тантана-шодиёналарда у беминнат хизмат қилади. Шу боисдан ҳам мухлислари эъзозлайди, унга ҳурмат-эътибор билан қарайди. Энг муҳими, у енгил-елпи қўшиқларни саҳнага олиб чиқишга интилмайди.

Яна саволлар берамиз:

— Қўшиқлар матнини қандай танлайсиз?

— Репертуаримда Маъмуржон Узоқов ижро этган «Фиғоним», «Ёр истаб» ва «Мустаҳзод», «Суратинг», «Камдан кам», «Фироқий», «Баёт-5», «Бир келиб кетинг», «Жонним менинг», «Жонон бўламан деб», «Ёлғиз», «Яна» каби ўнлаб мумтоз қўшиқлар бор. Талантли бастакорлар Раҳматжон Турсунов, Қаҳрамон Комилов, Сайфи Жалил билан ижодий ҳамкорлик қилганман. Бу ишни бундан кейин ҳам давом эттиряпман. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Ўзбегим тожик билан» шеърига куй басталашни сўраб бастакор Сайфи Жалилга мурожаат қилдим.

Икки қардош халқ дўстлиги мадҳ этилган бу қўшиқ қисқа вақтда кўп сонли мухлисларга манзур бўлди. Мустақилликнинг икки йиллигига бағишлаб, Фурқат, Човкар ва Жуманиёз Жабборовлар шеърлари, Муҳаммаджон Мирзаев, Султон Анваровлар мусиқаси билан «Ёр истаб», «Мустаҳзод», ва «Истиқлол нашидаси» қўшиқларини тайёрладим ҳамда ижро этдим.

— Устозларингиз ҳақида ҳам икки калима сўз айтсангиз?

— Ориф Алимаҳсумов, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ҳасан Ражабий сингари халқимизнинг севимли ҳофизлари миллий меросимизни нақадар қадрламоқдалар. Ора-сира ҳақиқий санъатга путур етказишга интилаётганлар ҳам топиляпти. Асрлар давомида сайқал топиб келаётган мумтоз ашулаларимизни бузиб айтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Буни буюк соҳибқирон, бобомиз Амир Темур ҳам қадрларкан. Шу боисдан ҳам классик қўшиқларни меъёрига етказиб куйлаётган устозларга ҳурматим чексиз.

— Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига кўра сизга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» деган юксак унвон берилди. Бундан айниқса, биз мухлислар жуда суюндик...

— Очиғи, бу унвон бир менга эмас, мени шу даражага етказган халқимга устозларимга, турмуш ўртоғим — касби ҳуқуқшунос бўлмиш Саодатхонга, фарзандларим — тўрт қизим, икки ўғлимга ҳам берилган, деб ҳисоблайман.

...Бирор санъат мактабида таҳсил олмаган, аммо оддий одамлар орасида юриб, нафис қўшиқлари билан эл-юрт меҳрини қозонган Ўлмас Саиджонов қирқ уч ёшида халқ ҳофизи бўлди.

Олисдан янгроқ бир наво келаётир. Кўнгил эриб кетаяпти. Юракка ўлмас бир овоз чўка бошлайди. Э, бу ўша сизу-биз, ҳаммамиз севиб, тинглайдиган ҳофиз Маъмуржон Узоқовнинг овози-ку! Тинглаяпсизми? Уни ўлмас овоз соҳиби Ўлмас Саиджонов куйлаётир.

Мусо КАРОМОВ,

Хуан Антонио САМАРАНЧ:

ТОШКЕНТДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛСА...

Шу кунлар Ватанимиз пойтахтида катта спорт нафаси уфуриб тургандай. Боиси, дўстлик шаҳри Тошкентда халқаро футбол мусобақалари ўтказилмоқда. Яна нуфузли меҳмон, халқаро олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антнио Самаранч ҳам ташриф буюрган. 74 ёшли ўзига хос донишманд бу отахон қариб 15 йилдан бери ер юзида олимпиада ҳаракатига бошчилик қилиб келмоқда. Унинг Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи марта юртимизга келишининг ҳам рамзий маъноси бор. У кеча Киночилар уйида спорт жамоатчилиги, мутахассислари, журналистлар ва меҳмонлар билан учрашувда Ўзбекистон спорти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини айтиб, кўплаб саволларга жавоб берди.

— Юртингизга келишим ҳақида ваъда берганимга ҳам икки йилдан ошди, — деди халқаро олимпиада қўмитасининг президенти. — Бу даврда Ўзбекистонда спортнинг ривожи ва олимпиада ҳаракатларини боришини зимдан кузатишга тўғри келди. Шуни эътироф этишим керакки, серқуёш бу ўлкада саломатликнинг муҳим омили саналган, жаҳонда тинчлик элчиси деб эъзозланадиган жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қилинаётганидан мамнунман. Бу борада юртбошингизнинг ташаббускор экани, спортга ривожланиш йўлига кирган мамлакатни жаҳонга танитиш воситаси деб қаралиши, айниқса таҳсинга лойиқ.

Мамлакатингиз истиқлол йўлини тутгандан бери спорт соҳасида ҳам муҳим ютуқларга эришди. Спортнинг бир қанча турлари бўйича халқаро уюшмаларга аъзо бўлиниши, республика миллий олимпиада қўмитасини халқаро мақом олиши шулар жумласига киради. Бу юртда спортни янада ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш учун имкониятлар етарли. Шу йил қишки олимпиада баҳсларида мустақил жамоа бўлиб қатнашган Ўзбекистон вакили — маҳоратли чангичи Лина Черязовага олимпиада олтин медалини тантанали равишда топшираётиб, юртингизга меҳрим жўшгандай бўлди.

Ўйлайманки, Ўзбекистон спортчилари яқин келажакда йирик халқаро мусобақаларда қатнашиб, довруғ тараратишга имкон топадилар. Маълумки, бу йил замонавий олимпиада ҳаракатининг 100 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан Парижда ўтказиладиган олимпиада конгрессига Ўзбекистон Республикасини ҳам таклиф этиш ниятимиз бор. Яна икки йилдан кейин АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилажак ёзги олимпиада ўйинларида сўзсиз мамлакатингиз байроғининг ҳилпирашига ишонаман. Агар маъқул келса бир таклифни ўртага қўймоқчиман: Тошкентда Марказий Осиё спорт ўйинлари ўтказилса, айни муддао бўларди. Бу таклифни юртбошингиз билан учрашувда ҳам унга айтмоқчиман. Боиси, бундай мусобақа Марказий Осиё Республикалари ва унга яқин мамлакатлар спортчилари ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга янгича ҳаракат бошланган бўларди. Ўйлайманки, Марказий Осиё ўйинлари ўтказилган шаҳар Осиё ўйинларини ўтказиб беришга ҳам талабгорлик қилиши мумкин. Қарабсизки, Тошкентда олимпиада ўйинлари ўтказишга ҳам шарт-шароит яратилиб қолади.

Учрашувда халқаро олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранчга ҳамроҳлик қилаётган Миллий олимпиада қўмита уюшмаси президенти Марио Ласкис ҳамда Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев иштирок этишди. ХОҚ президенти бешта туташ ҳалқали олимпиада байроғи, олимпиада мадҳи ва рамзини қарсаклар остида Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси президенти С. Рўзиевга тантанали равишда топширди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ўзбекистон—Туркманистон жамоалари учрашувидан лавҳа.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ, А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ПОРАХЎРГА ШАФҚАТ ҚИЛИНМАЙДИ

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида Президентимиз И. А. Каримов иқтисодий ислоҳотларни жонлантиришнинг кўпгина муаммолари қаторн жиноятчилик, порахўрлик ва коррупцияга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш лозимлиги ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Бу борада Сирдарё вилоятида қандай ишлар олиб борилмоқда? Шу ҳақда вилоят прокурори ҳамда вилоят суди раисидан қисқача гапириб беришларини илтимос қилдик.

Фаҳри РАҲИМОВ, — Сирдарё вилояти прокурори:

— Жиноятчиликка, порахўрлик, коррупция, уюшган жиноятчиликка қарши курашни кескин авж олдириш масалаларига Президентимиз Сирдарё вилоятининг XV сессиясидаги нутқида ҳам катта эътибор берган эди.

Қейинги бир йилда порахўрлик билан боғлиқ бўлган 6 та жиноятчиликни фош этдик. Буларнинг баъзилари устидан бошланган ишлар судга оширилиб, улар тегишли жазоларини олдилар. Баъзиларининг ишлари судга оширилиш арафасида турибди. Айримларининг устидан эса тергов ишлари олиб борилаётир.

Фош этилган жиноий ишларнинг дастлабки таҳлиллари порахўрлик жамиятимизда илдиз отганини кўрсатаётир. Пора таъма қилиб қўлга тушганлар орасида вилоят миқёсидаги идора бошлиғи ҳам, солиқ идорасининг корчалонидан тортиб шифохона каттаси, мактаб директори ва ички ишлар бўлимлари ходимларини ҳам учратиш мумкин.

Илгари Ховос тумани марказий поликлиникаси мансабдор шахси М. Қўчқоров порахўрлик қилгани учун қамалган эди. Буни қарангки, шу жойда яна порахўрлик содир бўлди. Бу сафар ВКК раиси Фурқат Жўраев бир бечоранинг ногирон ўғлига ҳужжат тўғрилаб бериш учун пора олаётганида қўлга тушди. Мана энди ҳозир у ҳам қамоқда.

Ҳозир солиқ идораларининг роли ,вазифалари ортиб бормоқда. Лекин баъзиларга бу идоралар ҳам текин ва мўмай даромадлар манбаи бўлиб кўринаётганга ўхшайди. Бундан ярим йилча муқаддам Гулистон шаҳар солиқ инспекциясидан масъул бир шахс хусусий дўкон эгасидан пора олаётганида қўлга тушган эди. Тергов бормоқда, иш судга оширилиш арафасида турибди. Лекин унинг қисмати бошқа касбдошларига сабоқ бўла олармикан?

Порахўрлиги учун қўлга тушганлар орасида Оқолтин ва Гулистон туманлари ички ишлар бўлимларининг ходимлари, Сирдарё тумани ва Гулистон шаҳридан мактабларнинг директорлари ҳам бор. Сирдарё туманидаги 6-мактаб директори қўл остидаги ўқитувчидан 9-синфдаги боласига аттестат тўғриланга тегди. Шунинг учун ҳам халқ Президентимиз Ислом Каримовнинг бу борада олиб бораётган сиёсатларини қизғин қўллаб-қувватламоқда ҳамда ҳуқуқ тартибот, суд органларининг ишларига катта умид билан қарамоқдалар. Сўзсиз биз-лар ҳам ўз фаолиятимизни Президентимизнинг юксак талаблари ва халқимизнинг ана шу умид—истаклари асосида ташкил этишга уринаётирмиз.

Вилоят судида ўтган йилда ишлаб бериш ва ўзини ҳам текширувсиз аттестациядан ўтказиб қўйиш учун 100 минг Россия рубли ва 100 минг сўм-купон талаб этган. Гулистон шаҳридаги мактаб директори эса ўз қўл остидаги ошхона буфетчисидан пора сўраган...

Турдиқул ИУЛДОШЕВ, — Сирдарё вилоят суди раиси:

— Коррупция, порахўрлик, уюшган жиноятчилик, фуқароларнинг ҳалол мулкига тажовуз қилиш сингари жиноятлар ҳамманинг жонига тегди. Шунинг учун ҳам халқ Президентимиз Ислом Каримовнинг бу борада олиб бораётган сиёсатларини қизғин қўллаб-қувватламоқда ҳамда ҳуқуқ тартибот, суд органларининг ишларига катта умид билан қарамоқдалар. Сўзсиз биз-лар ҳам ўз фаолиятимизни Президентимизнинг юксак талаблари ва халқимизнинг ана шу умид—истаклари асосида ташкил этишга уринаётирмиз.

Вилоят судида ўтган йилнинг октябрь ойида бир гуруҳ уюшган жиноятчининг иши кўрилган эди. Гулистон шаҳар консерва заводи ҳайдовчиси Ғофур Муротов шу заводнинг Боёвут туманидаги «Боёвут» давлат хўжалигида жойлашган шохобчаси мудири Ёрқин Зулпиқоров, Ширин шаҳар ишчилар таъминоти корхонаси раҳбарининг ўринбосари бўлиб ишлайдиган Нурмамат Давроновлар ўзаро тил бириктириб давлатнинг 12 тонна виноси ҳамда бошқа маҳсулотларини ўзлаштирмоқчи бўлдилар. Оқибатда уларнинг сирлари фош этилиб, жиноятчиларнинг ишлари судга тушди ва қилмишларига яраша жазо олишди.

Орадан атиги бир-икки ой ўтар-ўтмас яна бир уюшган жиноятчиларнинг ишларини кўриб чиқишга тўғри келди. Бу safar ховослик бензин ўғриларининг кирдикорлари фош этилди. Хўш, улар кимлар экан, деб ўйларсиз?

Ховос туманидаги 2-«Фарҳод» давлат хўжалиги ёнилги-мойлаш оморининг мудири Т. Хўжакелдиев, ёнилги тарқатувчи Т. Джаназаров, шу хўжаликнинг ёрдамчи ғазначиси А. Холбековлар ўзаро жиноий тил бириктиришиб, давлат ва жамоа мулки бўлган 4800 литр бензин маҳсулотини Ўратепа шаҳридаги Комил Аҳмедов деган шахсга мўмай нархларда пулламоқчи бўлганлар. Жиноятчиларнинг орзулари рўёбга чиқмай қолди. Улар божхонада қўлга туширилди. Маҳсулот ўз жойига қайтарилди, уюшган жиноятчилар эса қонун олдида жавоб бердилар.

Ўғирликнинг — охири хўрлик, дейдилар. Кимки шу йўлга киришни ўйлаётган бўлса, юқоридагилардан фикр қилиб кўрса, ёмон бўлмайди.

Абдужалил УМАРОВ, ёзиб олди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси масъул котиб А. Болиевнинг бобоси Ҳамид ХИДИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши 2-Тошкент тиббиёт институти ректори, туман ижроия бюроси аъзоси Ҳамид Ёқубович Каримовга волидаи муҳтарамаси Муаззам ая КАРИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси филармония фахрийси, таниқли ҳофиз Комилжон БАРОТОВнинг бевақт вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оиласига, қавму-қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда 5-27-11;	Нукусда — 7-58,83;
Бухорода — 3-96-12;	Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22;	Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-46-24;	Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76;	Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43;	Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.30.
Г—890 тир. 85501.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, Э. ЭСИРГАДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.